



ХАБАР

نەبەر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1995 йил, 3 ноябрь № 44 (169)

Сотувда нархи эркин

АҚЛ ЁШДА ЭМАС

Уктам Эсонниёзов урта мактабни тугатгач, касб таълимида узоқ уйлаб утирмади. Алоқачи бўлишга аҳд қилди. 1979 йили Тошкент Электроника алоқа институтининг талабаси бўлди. 1984 йили институтни тугатгач, Термиз шаҳридаги 2-телефон станциясида муҳандис бў-

либ тулди. «Алоқа соҳасида уз йилини топишимда Олим аканинг хизматлари катта», — дейди Уктам Эсонниёзов.

Дарҳақиқат, Олим ака сергайрат шогирдидан ердამини аямасди. Биргаликдаги саяё-ҳаракатлар самарали бўлди. Узун, Сароисие, Кумқургон туманларида махсус алоқа уйлари қурилди, почта хизмати яхшиланди. Вилоятда газета дуконлари сони кўпайтирилди.

1992 йили алоқа ишлаб чиқариш корхонаси иккига — электр ва почта корхоналарига ажралиб чиқди. У. Эсонниёзов почта алоқа корхонасига раҳбар этиб тайинланди.

Янги рузгорнинг камукусти кўп булади. Ёш раҳбар эсанқирамай, устози ва яхши одамлар курагида ишлаб бошлади.

Сурхондарё вилояти республикамининг жанубий улкаларидан бири ҳисобланади. У бир томондан Тожикистон ва Туркманистон республикалари, хорижий давлатлардан эса Афғонистон билан чегаралаш. Одамлари ҳам, табиати ҳам узгача. Қўшни республикалар билан азалдан бори-келди, савдо-сотик билан бирга почта айрибошлаш ҳам амалга ошириб келинган. Шу боис бу улканинг почта алоқасида узига хослик бор.

Корхона жамоаси вилоят аҳолиси учун почта хизмати кўрсатишга қўлмай, балки дуненинг бир неча мамлакатларига хизмат қилишга япти. Ҳозирги кунда республикамиздан хорижий давлатларга юбориладиган почта жўнатмалари Термиз Халқаро почтамти орқали Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳригача элтиб берилди. Уз навбатда бу жўнатмалар эса дуненинг 42 та мамлакатига тарқатилади. Кўриниб турибдики, почта алоқалари туфайли жумҳуриятимизни дунёга танитишда ушбу корхонанинг ҳам ҳиссаси бор.

Вилоят туманлари бир-биридан анча узоқда жойлашганлиги боис почта жўнатмаларини тарқатиш ҳам осон кечмайтир. Бозор иқтисоди шароитида почта жўнатмалари, газета ва журналлар сони


камайган бўлса-да, транспорт харажатлари анча ошиб кетган. Шу боис вилоятда алоқа хизмати муаммоларидан бири транспорт масаласидир. Изланувчан раҳбарнинг саяё-ҳаракати туфайли бунинг ҳам йули топилиди. Автобуслар бориши қийин бўлган узоқ тоғ ва чул туманларида почта ходимларининг шахсий уловларидан шартнома асосида фойдаланилапти. Почта жўнатмалари, газета ва журналлар поезд ҳамда автобусларда ташилмоқда. Бу эса корхонага анча фойда келтиряпти. Бир юз эллик нафар почтачи велосипед билан таъминланган.

Корхонада 1200 нафар ҳодим хизмат қилади. Вилоят бўйича 169 минг 900 нафақачига почта хизмати кўрсатилади. Икки юз уттизта алоқа бўлимларида эса газета ва журналлар сотуви ташкил қилинган. Хат ташувчи ва алоқа бўлимлари ходимлари қисқартирилмаган ҳолда вақтбай иш тизимига ўтказилган. Иш ҳажми камайиб кетса-да, аҳолига уз вақтда хизмат кўрсатиш йуллари қилириляпти. Айрим корхоналар билан шартнома асосида иш олиб боришмоқда. Шундай шартномалар электралоқа тarmoқлари ва коммунал хўжалиги корхоналари билан тузилган. Ҳозирги пайтда баъзи қийинчиликлар ва муаммоларга қарамай, корхонада ишлар бир маромда олиб бориляпти.

Айни кунларда, республикамизда барча нашларда обуна давом этиляпти. Вилоят почта алоқа корхонаси ҳам бу мавсумга алоҳида тайергарлик қурган. Ҳозир вилоятдаги барча алоқа бўлимларида газета-журналларга обуна қабул қилинапти.

Ёш раҳбар Уктам Эсонниёзов уз зиммасидаги вазифани масъулият билан удралашга харакат қилмоқда. Зеро, халқ «Харақатдан баракат» деб бежиз айтмаган...

Иззат АҲМЕДОВ



Ушбу «ака-ука» ишпоолтар тошкентликларига на шаҳар меҳмонларига яхши таниш бўлиш эски ва янги телемнораларидир.

Ушг томондаги телемнора 1956 йил 5 ноябрда, чаш томондаги эса 1985 йилининг январь ойида ишга туширилган.

Суратда уларнинг буйлари баробар бўлгани билан «ака-сининг буйи 180 «ака-синики эса 375 метр бўлиб, баландлиги жиҳатидан дунёдаги баланд мноралар федерациясига аъзо бўлган 18 мнора орасида Торонто, Остпеккио, Нью-Йорк ва Токио мнораларидан кейин бешинчи ўринни эгаллайди. 100 метр баландликда томонга майдончаси, унинг устида эса «Компот» ресторанининг иккита зали, 200 баландликда об-ҳаво хизмати жиҳозлари жойлашган. Бундай баландликка кўз очиб кўнгилча лифт олиб чиқиб кўриш. Дастлаб бешта радио ва телевизион дастурини узатишга мужадалланган «ука-син» хизматлари кўндан-кўнгга ортиб бормоқда. Уз вақтда учта радио, телевизион дастурини узатишга мужадалланган «ака» хали ҳам «истеъфонга» чиқгани йўқ. Фақат бирозгина «касинин узгаришиб», радиореле антенналарини кўтариб туришдек муҳим вазифани утмоқда. Тошкент чиройига ярашиб турган «ака-ука»лар она деришимиз овози ва жамолдининг дунёга таралишида беминнат хизмат қилмоқда.

Суратдан Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ

• Шу сонга шошилиночнома

МУШТАРИЙЛАРИМИЗ КЎПАЙМОҚДА

«Яйпан почта алоқа корхонаси илгичи-хизматчилари келгуси йил учун юз фоиз — 110 нухсуда «Хабар» газетасига обуна бўлишди. Газетага обуна давом этмоқда.

Яйпан почта алоқа корхонаси йўриқчиси Муқим Ҳотам ўгли»

«Косон тумани почта алоқа корхонасининг жамоа аъзолари 90 нухсуда «Хабар»га обуна буддилар. Айни пайтда, бошқа газета-журналларга обуна кизгин бораптир.

Косон тумани почта алоқа корхонаси бошлиғи Ҳақбердиев»

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР! «Хабар» газетасига обуна давом этмоқда. Газетага бир, уч, олти ой ва бир йилга обунани расмийлаштириш сизнинг ихтиришигизда! Фақат шошилиноч, обуна мавсуми кутиб утирмайди.

«Хабар» газетасининг нашлар кўрсаткичи — 64600.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Воқеалар • Янгиликлар • Хабарлар

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 31 октябрь куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Жаҳон банки президенти Жеймс Д.Уолфенсон раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

• 31 октябрь куни Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А.Қосимов Ўзбекистон Рес-

публикасида меҳмон бўлиб турган Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Сиёсий бюроси доимий қўмитасининг аъзоси Ху Цзинтао бошчилигидаги Хитой Халқ Республикасининг делегациясини қабул қилди.

• Буюк Британия Қишлоқ хўжалиги вазирлиги вакиллари билан иборат делегация Фар-

ғона вилоятдаги бўлди.

• «Узбекфильм» киностудияси ташкил этилганлигининг 70 йиллиги таштанали нишонлади.

• Чеченистоннинг янги Бош вазирни Доку Завгаев Москвада Россия ҳукумати-нинг раиси Виктор Черномырдин билан музокаралар ўтказди.

• Боку метросидаги ёнги оқибатида 289 киши ҳалок бўлди. Яна 269 киши касалхонага келтирилди. Қурбонлар хотираси учун Озарбайжонда мотам эълон қилинди.

Жамоа аҳил бўлса, қийинчилик чўт эмас. Маош ҳам вақтида олинади, рузгорнинг кам-кусти тез битади. Мукофот-чи, бошқалар ойлигини кутиб утирган маҳал тотув жамоада тadbиркор раҳбарга эш юрган киши устама ҳақини кўргдек санаб олаверали. Ишлаган қандини урсин-да! Ҳамидулло ака Эшоннинг фикри

лик фахрланиб, — Еки идорамиз ходимаси Гулида Садрибоевани олайлик, иқтисодчи лавозимида фаол хизмат қилиб келяпти. Шаҳарлараро алоқа бўлимидаги муҳандисимиз Хайрулло ака Абдулаевни эса Букада катта-кичик ихти билади, ҳурмат қилади. Ҳаммаси меҳнати, элга сиққидилан эш бўлгани, корига ярагани учун

Бу шунчаки тасодифми, е...
— Очиги, ким бошлиқ бўлишни истамайди дейсиз. Бироқ алоқа соҳасида ҳалол одамлар раҳбар бўлиши керак деб уйлайман. Устига-устак бу соҳанинг узига хос мураккаб жиҳатлари жуда кўп. Масалан, ҳар куни юзлаб одамларга хизмат кўрсатиб, асаби чарчаган ходимингизни керак бўлса кунглини кутаришга, гоҳида камчилиги учун унга дашном беришга тўғри келади. Истайсизми-йўқми, ходимдаги чарчоқ сизга-да юқини, кайфиятингиз бузилиши мумкин. Шундай вазиятларда жаҳлга эрк бериш раҳбарга, айниқса, у келажакда усман деб турган бўлса, асло мумкин эмас. Шу боис ходимнинг фелъ-атвориға қараб муомала қилинади. Дипломатия фақат хоржида эмас, идорала ҳам жуда асқотлади.

- Айтинг-чи, ойига қанча шопингчюма жунатасизлар?
- 220-230 атрофда.
- Хоржий давлатларга ҳам борми?
- Учраб туради.
- Иш вақтингиз нечида тугайди?
- Қўпичча соат неча бўлгани ҳам эсимдан чиқиб қолади. Ахир алоқа одамларга энг оғир вазиятларда ҳам, энг қувончи дақиқаларда ҳам керак. Биз эса одамлар корига яраганимиздан бошимиз осмонда.
- Илоҳим доимо шундай бўлин!

Абдунаби АЛИҚУЛОВ
сўхбатлашди

ТОТУВЛИК — ИЛҒОРЛИК ДЕМАК

шундай, узи раҳбар бўлган Бука туман электралоқа тармоғида ҳам ана шундай тамойилни урнатган: яхши ишлаган яхши ҳақ олади. У раҳбар бўлган корхонада ишлар жонлиқ кетди.

Туманда 90 минг аҳоли яшайди, 2200 та телефон, 3000 та радио нуқта ишлаб турибди. 72 кишилик жамоада ҳар бир ходим 900 дан 2200 сумгача маош олиб ишлайди.

Ҳамидулло ака билан учрашдим, ярим соат бирга бўлиб, иш маромини одамларга муомаласини кузатдим. Ғайратли, фикри теган киши экан.

— Имкон қадар аҳолига яхши хизмат қилишга интилянимиз. Тухтамурод ака Исмоилов деган тажрибали устамиз бор, — дейди бош-

обру-эъгибор топган. Эндигина ишга кирган йигит-қизларга уларни урнак қилиб кўрсатаман.

— Баъзан жойларда телефон тушириш учун қинғир йўлдан ҳам боришади деб эшитиб қоламиз. Айтинг-чи, бундай ҳоллар сизларда ҳам учраб турадими?

— Нима демоқчи эканлигингизни тушундим. Тугрисини айтадиган бўлсам, мана шундай сунғий тусиқ — муаммо тугдирмаганимиз учун ҳам миждозларимиз биз тугрисимизда илиқ гап айтишпти. Қолаверса, одамнинг насибаси бугун, инсофли бўлса, беш бармоқни оғизга тикмаса ҳам рузгори бут бўлаверади. Очқузлиқдан худо асрасин.

— Ҳамидулло ака, қандай қилиб бошлиқ бўлиб қолгансиз?

ТАЙИНЛАШ



Узбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг буйруғи билан Абдулла Нигматович ОРИПОВ «Ташафинал» узбек-грек қўшма корхонасининг бош директори этиб тайинланди.

А. Н. Орипов 1961 йили Тошкент шаҳрида туғилган, узбек, маълумоти олий — 1983 йили Тошкент Электротехника алоқа институтини тугаллаган.

Меҳнат фаолиятини 1983 йили Тошкент телеграф-телефон станциясида электроника муҳандиси вазифасидан бошлаган. 1993 йилда Алоқа вазирлигининг бош мутахассиси, 1993-1995 йиллари эса «Узимпексалоқа» ташқи савдо фирмаси директори уринбосари лавозимида ишлаган. 1995 йилнинг май ойидан бошлаб Алоқа вазирлигининг саноят, қурилиш ва таъминот бўлимининг бошлиғи эди.

Узбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг буйруғи билан Оллоназар Бекназарович БЕКНАЗАРОВ «Алоқа-ДЭУ» Узбекистон-Жанубий Корей

қўшма корхонасининг бош директори этиб тайинланди.

О. Б. Бекназаров 1943 йили Хоразм вилоятининг Богот туманида туғилган, узбек, маълумоти олий — 1968 йили Тошкент Электротехника алоқа институтини битирган.

Меҳнат фаолиятини 1960 йили жамоа хужалигида ҳисобчиликдан бошлаган. 1963-1968 йиллари ТЭАИ талабаси эди. 1969-1970 йиллари армия сафида хизмат қилган. 1970-1976 йиллари Богот тумани алоқа техникасидан фойдаланиш участкасининг бошлиғи бўлиб ишлаган. 1976-1979 йиллари Богот тумани алоқа тармоғининг бош муҳандиси ва 1979-1981 йиллари шу тармоқнинг бошлиғи вазифасида хизмат қилган. 1981-1992 йиллари Хоразм вилояти алоқа ишлаб чиқариш техника бошқармасининг бошлиғи, 1992 йилдан буён эса Хоразм вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасининг бошлиғи эди.

Узбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг буйруғига қўра, Набиҳужа Абдуллаевич ҒАНИЕВ ижтимоий, маданий-маиший ин-

шоотлар қуриш ва фойдаланиш корхонасининг бошлиғи этиб тайинланди.

Н. А. Ғаниев 1962 йили Тошкент шаҳрида туғилган, узбек, маълумоти олий — 1986 йили Тошкент Электротехника алоқа институтини битирган.

Меҳнат фаолиятини 1982 йили ҳисоб-кредит техникумининг ишчиси сифатида бошлаган. 1985-1986 йиллари етоқхонада тарбиячи бўлиб ишлаган. 1986 йилдан буён алоқа ташкилотларида хизмат қилди. Жумладан, 1986-1991 йиллари «Союзтелефонстрой» трестининг қурилиш-монтаж бошқармасида уста, 1991-1993 йиллари Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани телефон тармоғида муҳандис, бош муҳандис, 1993-1994 йиллари эса Алоқа вазирлигининг бошқарув ва мол-мулк ҳукуқи бўлимининг бош мутахассиси вазифаларида меҳнат қилган. 1994 йилда вазирлиқнинг умумий бўлими бошлиғи, 1994 йилнинг декабрь ойидан бошлаб Алоқа вазирлигининг ишлар бошқармаси бошлиғи эди.

ЯНА БИТТА АЛОҚА ЗАВОДИ

Узбекистон Алоқа вазирлиги ва «Нусвифт сервис ЛТД» грек фирмаси узаро шартнома асосида қўшма корхона тузишга қарор қилишганди. Бу қўшма корхона «Узбекалоқанформ» бирлашмаси негизида қуриладиган Тошкент алоқа заводи қошида ташкил этиладиган бўлди.

Ушбу заводда рақамли электрон техника воситалари асосида мураккаб ИКМ-30 русумидаги алоқа ускуналари ишлаб чиқарилади. Бу ускуналарни қўшлаб ишлаб чиқариш эса алоқа соҳасида тупланиб қолган муаммоларни ҳал қилишга имконият яратди. Шу боис ҳам янги алоқа заводининг бир қисмидаги қурилиш ишларини шу йлнинг декабрь ойида ниҳоясига етказиш мўлжалланган. Узаро келишувга мувофиқ мана шу мўддатда техника жиҳозларини пайвандлаш ҳам бошланади. Орадан бир неча утга эса дастлабки маҳсулотлар ишлаб чиқаришга киришिलाди.

Грек тadbиркорлари билан имзоланган шартнома 15 йил мўддатта мўлжаллаб тузилган.

А. КУДИНОВ

ЯНГИ ПОЧТА МАРКАЛАРИ

«Узбекистон маркаси» давлат нашриёт маркази «Капалаклар» туркумида почта маркалари ва тупламини нашр этди.

Узбекистон табиати усимлик ва ҳайвонот оламига бой. Айниқса, юртимизнинг ҳамма жойида учратиш мумкин бўлган тўзал капалаклар дунёси ҳеч кимни бефарқ қолдир-



майди. Унга атаб қўлаб афсона, ривоятлар туқилган. Ҳатто жаҳонда капалаклар ҳаётини урганадиган соҳа — лепидантеролог мутахассислиги пайдо бўлди.

Сунгги пайтларда ер юзидagi носоғлом экологик муҳит капалакларнинг ноёб турларининг қамайиши, ҳатто бутунлай қирилиб кетиши хавфини тугдирмоқда. Шу боис ҳам бу хавфнинг олдини олмақ даркор.

«Капалаклар» туркумидаги почта маркаларида мамлакатимизда учрайдиган ноёб капалаклар тасвирланган. Ушбу туркум 7 та марка ва 1 та почта тупламиндан иборат. Почта маркалари ва тупламида тасвирланган капалакларнинг номланиши лотин ҳарфларида эътилган бўлиб, расмларни еш мусаввир С. Бобров чизган.

СТАБИЛИЗАЦИЯ

Ҳурматли Шухрат Нурхонович ЭШМУҲАМЕДОВ! Сизга 55 ёшингиз билан чин юракдан кутлаб, мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилаймиз. Доимо эзу ниҳтларингиз ушлаверсин.

Республика Электромангнит мослашув маркази жамоаси

Қашқадарь вилояти Яккабоғ электралоқа боғламаси бош ҳисобчиси Чудай ТУРАЕВИН 40 ёшга тулгани билан чин диладан табриклаб, сўхат-саломатлик, инларига ривож тилаймиз.

Корхона жамоаси ва ҳамкасблари

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар телефон ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси шуни маълум қиладики, 44-АТСда «Алкатель СЕЛ РФТ» немис фирмаси билан ҳақорликда янги замонавий рақамли ускуналарга уланиши муносабати билан 4 ноябрдан 25 ноябргача телефон алоқасида айрим қийинчиликлар юз бериши мумкин.

АТСдаги носозликлар юзасидан қуйидаги телефонларга мурожаат қилинг: '44-05-19, 44-51-75.

Нурали ҚОБУЛ

ОҚҚАН ДАРЁ ЯНА ТАКРОР ОҚАЖАК

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган «Туркистон — умумий уйимиз» гоёиси қардош халқлар уртасида ҳам кучли акс-садо бериб, омаллашиб кетди.

Куйида табиқий адиб Нурали ҚОБУЛнинг халқларимизнинг азалий орзуси — Туркистон бирлиги гоёсидан илҳомланиб ёзган шеърларидан уқийсиз.



ЭЙ БУЮК ХАЛҚИМ

Эй буюк турким,
тарихинг,
Одам Атодин бошланур,
Момо Ҳаво бахти кулган,
Ушад Хатодин бошланур.
Тангриго Хоқони
эрдинг,
Булдинг ерим жаҳонга
шоҳ.
Сенда Истамбулда
султон,
Сенда магрибда шаҳан-
шоҳ.
Сен Олам Соҳиби
улдинг,
Султон Маҳмуд, Темур
булиб.
Сенда Уғуз, Куктурк,
Барлос,
Салжук, Усмон, Бобур
булиб.
Ҳинду узра бир руҳ яшар,
Эзгуликка байроқ булиб.
Сен илоҳдан топдинг

самар,
Адолатга маёқ булиб.
Сен бутун бир миллат
улдинг,
Армон, алам, бахтинг
билан.
Э воҳ, жаҳонни титратиб,
Тахтсиз қолдинг тахтинг
билан.
Элинг, тилинг, асраб
халқим,
Зулматлардан омон
чиқдинг.
Мустафо Камол Отатурк,
Исломли Нур Султон
чиқдинг.

Воллоҳ турким, шон-
шухратинг,
Жумла-жаҳона кетсин-ей.
Оқсаройнинг армонлари
Тож Маҳалга етсин-ей.
Имом Бухорий қисмати,
Туркий иймон яшагай.
Тумариси қилич тутган,
Туркий имкон яшагай.

Турк Отамнинг азиз руҳи,
Мангу паноҳ бошингладур.
Ғаним юзин қурма юртим,
Дўстинг кузу-қошингладур.
Утар замон, кетар даврой,
Ватан, нури онлар қолур.
Юрт деб юрак қонин
туқкан,
Ватан фидо жонлар қолур.
Менким содиқ уғлинг
булиб,
Шаънинга шёър битдим
Ватан.
Бор ҳаётим, жисму жоним,

Сенга фидо этгум Ватан.
Эй буюк турким,
тарихинг,
Одам Атодин бошланур.

ТУРКИСТОНИМ, ТУРОНИМ

Буюк қисматлардан
яралган жоним,
Бобурий имконим,
Темурий қоним.
Турк отамдан мерос
қадим маконим,
Отажоним, Туркистоним,
Туроним.
Улуг Хонтангридан оққан
армоним,
Осиё қалбида жуш урган
қоним,
Салжуқий суроним,
Усмоний шоним,
Онажоним, Туркистоним,
Туроним.

Сен буюк Хун¹, Боти Хун
ҳамда Авар,
Олтин Урда, Куктурку,
Ғазна, Ҳазар,
Қорахоний, Хоразмий,
дилда қадар,
Оқ Хун, Уйгур, Хуну
Европа — қадар.

Ҳожиб, Сино,
Қошғарийдир сарватинг,
Улубегу Навоийдир
шавкатинг,
Ал Хоразмий, Берунийлар
давлатинг,
Танда
жоним,
Туркистоним, Туроним.

Қуқалп, Отсиз² орзусидир

бу Ватан,
Чулпон, Фитрат, Қодирий
— бахшида тан.
Сен Ватанлар ичра бир
суяк Ватан,
Жонунганим,
Туркистоним, Туроним.

Авар, ингүш, ёқут, дусту-
эроним,
Қозоқ, қирғиз, ўзбек,
туркман — виждоним,
Татар, нугай, чечен, озар
— бир ёним,
Сенда
жоним,
Туркистоним, Туроним.

Уйгур, бошқирд, черкес,
қорақалпогим,
Кукүгузим, тува, қумиқ,
қалмогим,
Олтой, домоқ, ҳакас,
долган — хуш чоғим,
Балқар, кундур, чуваш,
дунган, чирогим.

Шор, қабардин, адигейим,
бевурим,
Туракия, тангу, лезгин,
томирим,
Кузай Қибрис, Қирим
келди довуринг,
Ён
жоним,
Туркистоним, Туроним.

Шоҳжаҳонсан, Тож
Маҳалда юлдуз—сан,
Тунинг орда, эртанг
порлоқ, кундуз—сан,
Отар тонгим,
Туркистоним, Туроним.

Багрингдаги тошу, гиёҳ,
тупроқ — биз,
Оташингдан нур симирган
япроқ — биз,
Қаддинг
кутар,
ганимлардан купроқ — биз,
Ёнар
жоним,
Туркистоним, Туроним.

Байроқларинг тутар ярим
жаҳоним,
Туркий зако яшартирар
замонни,
Улкам тани, энди яхши-
ёмонни,

Қон эй жоним,
Туркистоним, Туроним.
Қулгуг утмиш келажакка
боқажак,
Қутли юрта иқбол
мангу балқажак,
Оққан дарё яна такрор
оқажак,
Жон, эй жоним,
Туркистоним, Туроним.

Сенсан, муқаллас
Карими Қуръоним,
Сенсиз нурга тўлмас, ё
Раб, иймоним.
Сенда саодатга эшир,
хар оним,
Сунг
мақоним,
Туркистоним, Туроним.

Амиримсан, хоқонимсан,
султоним,
Ёв уқига бардош берган
ултоним,
Сенга фидо булсин
Ватан, бул таним,
Тон эй жоним,
Туркистоним, Туроним.

1 Утмишда ота-боболари-
миз ун олтига буюк импе-
рия курганлар. Булар Буюк
Хун, Боти Хун, Европа Хун
(эрамизнинг IV асрида
Атилла Европада барпо эт-
ган туркий давлат), Оқ Хун
(эфталитлар давлати), Кук-
турк, Авар, Ҳазар, Уйгур
давлати. Қорахонийлар, Ғаз-
навийлар, Буюк салжу-
қийлар, Хоразмийлар, Ол-
тин Урда, Буюк Темур, Бо-
бурийлар ва Усмонийлар им-
ператорликларидир.

2 Зиё Қуқалп, Ниҳол От-
сиз — буюк турк ватанпар-
варлари. Шу пайтгача турк
халқлари ахлоқи, мадания-
ти ва тарихи ҳақида энг
муқамал ва бетақрор вата-
ний оҳангда ёза олган турк
миллатининг мумтоз фар-
зандлари.

ҲАЁТИЙ ХИКМАТЛАР

Букрот Ҳакимдан сурадилар:
— Ололдан ҳам куйдирувчи-
роқ нарса нима?
— Ғазаб! — жавоб берди у.
Яна сурадилар:
— Ҳамма нарсалдан олий ва
юқори нарса нима?
— Инсондаги ҳикмат! — жа-
воб берди у.
Яна сурадилар:
— Уддирадиган шароб қайси?
— Шаҳват! — жавоб берди
у.
Яна сурадилар:
— Ҳеч қачон вайрон бул-
майдиган бино қайси?
— Адолат биноси! — жавоб
берди у.
Яна сурадилар:
— Охири аччиқ буладиган
ширилик нима?
— Шошқалоқлик! — жавоб
берди у.
Яна сурадилар:
— Давоси йўқ қасал қайси?
— Нодонлик! — жавоб бер-
ди у.
Яна сурадилар:
— Эрқагу аёлга ярашадиган
либос қайси?
— Вафодорлик! — жавоб
берди у.

(«ҚОНУНИ ХИКМАТ» китобидан)

ИКИР-ФИКРЛАР

БАХТ ҚУШИ

Тасодифан кўнган бахт қушидан фахрланма. «Қовоқ» бошингни ифлослаши мумкин.

ҚИТИҚ ПАР

Жаҳддорнинг қитиқ парига тегишдан олдин авайлабгина силаб-силаб, парини юлингда, сўнгра бошлаб қитиқланг.


Ким ўз товонини ялайди?

Ака, итингиз бўлай деган кишига асло ишона кўрманг. У барибир одам.

«Ит вафо, хотин жафо» деган мақолга ишонманг, итнинг вафодорлиги суяк билан.

Чаёни чаёнлиги учун эмас, қилмиши аёнлиги учун ёмон кўраимиз.

Эгамберди ҚУДРАТОВ,
Қашқадарё вилояти



МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир : Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Шухрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ (Масъул котиб)
Миршўлат МИРЗО
Тоҳир РАҲИМОВ
Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИ
Бобоҳон ШАРИФ
ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўриной АҲМЕДОВ

Билал АМИНОВ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Жамол КАМОЛ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Сафар ОСТОНОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарриратта келган қўёғмазар (2 оралда, 5 бетдан ортиқлиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир. Рўжхатта олин №000011. Буюртма №Т-0533. 9894 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 6

ЎзТВ I

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Мамонтчанинг онаси». Мультфильм.
17.40 «Омилкор инсонлар». Яқкабоғ туманидаги «Мақсад» фирмаси фаолияти ҳақида.
18.00 Янгилıklar.
18.10 «Олтин куз». Кинодастур.
18.30 «Орзу билан». Хонанда Толибжон Тураев куйлайди.
18.50 «Сижат-саломатлик». Илмий-омилкор тележурнал.
19.25 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Ёшлар.
19.50 Футбол шарҳи.
20.05 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
20.40 Оқшом эртақлари.
20.55 Ёшлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Ёшлар.
21.25 ЎзТВ хазинасидан. А. Дельмар. «Ғариблар». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. Бош ролда — Халк артисти Наби Раҳимов.
23.30 Ёшлар.
23.35—23.50 «Ахборот».

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништирди:
18.30 Болалар учун «Кўзmunчок».
19.00 «Тахлил».
19.10 «Дехон қиммати».
19.40 «Зарафшон». Телефильм.
20.00 «Хуқук ҳимоячилари».
20.25 «Спорт-тайм».
20.55—22.15 «Четга оғиш ноль». Бадий фильм.

ЎзТВ III

17.50 Янгилıklar (рус тилида).
18.00 «Сополда акс этган ҳаёт». Телефильм.

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ 18.20—21.40

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ 21.40—23.20

23.20 «Вавака». Телефильм.
23.25 — 23.40 Янгилıklar (рус тилида).

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Мульткарусель».
«ОМАД» таништирди:
19.55 Ёшлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.
20.50 «Ҳахон географияси». Оммабоп кўрсатув.
21.40 Ёшлар.
21.45 Видео — «О».
23.25 — 23.30 Ёшлар.

СЕШАНБА, 7

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш кўрсатуви.
9.00 А. Дельмар. «Ғариблар». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
11.05 Немис тили.
11.35 «Синдфод». Тележурнал.
12.05 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб». Таботаб ва руҳият.
12.35 «Волонданинг рози қил». Мусикий композиция.
13.05 «Кашф этилаётган имкониятлар». Янгилор ҳиссадорлик жамиятларидаги янгилıklar.
13.35—15.35 «Умидлар йили». Видеоканал.

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Бу дамлар ўшар эртақка».
18.00 Янгилıklar.
18.10 «Тараққиёт». Публицистик кўрсатув.
18.40 Бир жуфт қўшиқ.
18.55 Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари. «Генерал аёлининг қисмати». Телеочерк.
19.25 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Ёшлар.
19.50 «Ўзбектелефилми» кўрсатди: «Той бола».
20.10 «Вакт — ҳақам».
20.40 Оқшом эртақлари.
20.55 Ёшлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Ёшлар.
21.25 «Туркистон — умумий уйимиз». Тугаҳ томирлар.
22.05 «Хотира». Ўзбекистон халқ артисти Ҳабиба Охунова.
22.45 «Жадвалдан ташқари поезд». Бадий фильм.
24.00 Ёшлар.
00.05—00.20 «Ахборот».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништирди:
18.30 «Мультфейерверк».
18.45 «Табият дунёси». Оммабоп кўрсатув.
19.35 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.55 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ёшлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.50 «Теле-ателье-шоу».
23.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва

Ёшлар.
23.40—24.00 «Видеогид».
ЎзТВ III
ЎзТВ
17.50 Янгилıklar (рус тилида).
18.00 «Ҳайкалтарош Қуттимурад». Телефильм.

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ 7.30—9.00

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ 18.20—21.40

23.20 «Бу ажиб дунё».
23.45 — 23.55 Янгилıklar (рус тилида).
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилıklar.
20.15 «Замандас» (қозоқ тилида).
21.05 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.05 «Монитор—Осиё». Тележурнал.
22.45 — 23.45 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.

ЧОРШАНБА, 8

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш кўрсатуви.
9.00 «Жабранувиҳларнинг даъвоси йўқ». Бадий фильм.
10.30 Янги алифони ўрганамиз.
11.00 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
11.35 «Хотира». Ўзбекистон халқ артисти Ҳабиба Охунова.
12.15 «Ассалом, япон тили»!
12.50 «Сўх дарёси бўйлаб». Телефильм.
13.05 «Оламини асранг!».
13.35—14.05 «Ишбилармон».

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Кичкинтой» устакхонаси.
18.00 Янгилıklar.
18.10 «Тилга эътибор».
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 Чанг тароналари.
19.25 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Ёшлар.
19.50 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
20.00 «Санъат олами». Умрбоқий аъналар. I-кўрсатув.
20.40 Оқшом эртақлари.
20.55 Ёшлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Ёшлар.
21.25 «Инсон ва қонун».
22.10 Ўзбекистон телевидениесидан вилот студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Қорақалпоғистон Республикаси.
22.50 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳожиакбар Ҳамидов ижро этади.
23.25 Ёшлар.
23.30—23.45 «Ахборот».

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништирди:
18.30 «Кичик дебют».
19.00 «Терапевтларнинг сьеэди».
19.30 «Муслик меҳмонхона».
20.30 «Тошкент оқшомида».
21.30—23.00 «Кинематограф».

ЎзТВ III

ЎзТВ
17.50 Янгилıklar (рус тилида).
18.00 «Устоз ҳақида сўз». Телефильм.
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ 7.30—9.00

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ 18.20—21.40

23.20 «Халқа формуласи». Телефильм.
23.30—23.40 Янгилıklar (рус тилида).
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Мульткарусель».
«ОМАД» таништирди:
19.55 «СПОРТ КИТЪАСИ».
22.40 Ёшлар.
22.45 — 23.35 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

ПАЙШАНБА, 9

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш кўрсатуви.
9.00 «Орзулар оғушида». Бадий фильм.
10.10 Ўзбек тилини ўрганамиз.
10.40 «Нурафшон ўлка». Кинодастур.
11.25 «Фермер». Тележурнал.
11.50 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси хор жамоаси концерти.
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Кичкинтойга хат келди». Тележурнал.
18.00 Янгилıklar.
18.10 «Оламга саяҳат». Кинокўрсатув.
18.45 Мусикий дақиқалар.
19.00 «Табаррук қадамжолар». Амир Темур юбилейига.
19.25 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Ёшлар.
19.50 «Ўзбек киносининг барҳаб саҳифалари».
20.40 Оқшом эртақлари.
20.55 Ёшлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Ёшлар.
21.25 «Эл тинчилиги йўлида».
Милиция ходимлари учун кўрсатув ва концерт.
22.35 «Барча постлар диққатига!».



црти.
12.20 «Болалар меҳмонхонаси».
12.50 «Жараён». Публицистик кўрсатув.
13.20—15.20 «Ёшлик» видеоканали.

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Кўнғирқола». Тележурнал.
18.00 Янгилıklar.
18.10 «Солиқ».
18.30 «Наманганлик сеҳрарлар». Телефильм.
18.50 «Маърифатта чорловчи нур».
19.25 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Ёшлар.
19.50 «Санъат олами». Умрбоқий аъналар. 2-кўрсатув.
20.20 «Юзма-юз». Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, «Халқ бирлиги» ҳаракатининг раиси, академик Тўрабек Долимов билан мулоқот.
20.40 Оқшом эртақлари.
20.55 Ёшлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Ёшлар.
21.25 «Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида».
21.55 «Сарви гулрў келмади...» Навоий гагаллари билан айтайдиган қўшиқлар.
22.40 «Бошсиз чавандоз». Бадий фильм.
00.15 Ёшлар.
00.20—00.35 «Ахборот».

«ОМАД» таништирди:
18.30 Видео янгилıklar.
18.45 «Теле-ателье-шоу».
19.00 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.50 «Оламини яратилиши». Оммабоп кўрсатув.
20.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ёшлар.
21.05—22.45 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

ЎзТВ
17.50 Янгилıklar (рус тилида).
18.00 «Умр мазмуни». Телефильм.
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ 7.30—9.00

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ 18.20—21.40

23.20 «Оқ соя».
23.50—24.00 Янгилıklar (рус тилида).
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Ҳамкорлик самаралари».
20.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.15 «Глобус».
21.45 Л. Якубовичнинг «Муъжизалар майдони» Тошкентда.
22.30 «Кашфиётлар ва ихтиролар». Илмий-маърифий кўрсатув.
23.10 — 23.45 «Олам ва одам».

ЖУМА, 10

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш кўрсатуви.
9.00 «Бошсиз чавандоз». Бадий фильм.
10.35 Немис тили.
11.05 «Эгуликка интилиб». Телеочерк.
11.35 Навоий вилоти Нурота тумани Маданият уйи мактаб ансамблининг концерти.
12.15 «Соглом авлод учун». Богчаларда хисмоний тарбия.
12.35 «Ёшлик» студияси. «Талабалар саҳнасида».
13.10 — 14.25 Болалар учун фильм. «Қизил қор ёқанда».

ЎзТВ II

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Кичкинтойга хат келди». Тележурнал.
18.00 Янгилıklar.
18.10 «Оламга саяҳат». Кинокўрсатув.
18.45 Мусикий дақиқалар.
19.00 «Табаррук қадамжолар». Амир Темур юбилейига.
19.25 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Ёшлар.
19.50 «Ўзбек киносининг барҳаб саҳифалари».
20.40 Оқшом эртақлари.
20.55 Ёшлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Ёшлар.
21.25 «Эл тинчилиги йўлида».
Милиция ходимлари учун кўрсатув ва концерт.
22.35 «Барча постлар диққатига!».

ЎзТВ III

17.50 Дастуринг очилиши. Ёшлар.
17.55 «Бобур». Телефильм.
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ 7.30—9.00

Бадий фильм.
23.55 Ёшлар.
24.00 — 00.15 «Ахборот».

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништирди:
18.30 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.00 «Билиб куйган яхши».
19.25 «Йигит билан қиз». Бадий фильм.
20.30 «Самарали изланишлар».
21.00 «Д. Зокиров». Телефильм.
21.30 — 22.00 «5+1».

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ 7.30—9.00

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ 21.40—23.20

23.20 «Жонли сайёра».
23.50—24.00 Янгилıklar (рус тилида).

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Мульткарусель».
«ОМАД» таништирди:
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.
20.50 «Кулига нима етсин! Ҳажвий кўрсатув».
21.15 Ёшлар.
21.20 Видео — «О».
23.00 Ёшлар.
23.05 «Автосалон». Автомобилларнинг янги моделлари.
23.25 — 23.35 «Даракчи». Ахборот кўрсатуви.

ШАНБА, 11

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш кўрсатуви.
9.00 «Париларнинг кузги совғаси». Бадий фильм.
10.15 Болалар учун «Қуноқлар даврасида».
10.45 «Мерос». Ҳайратий.
11.45 «Ёшлик» студияси. «Онамнинг ўғитлари».
12.15 «Истеъдод». Хурсанд Шеров.
12.45 — 14.45 «Маънавият» видеоканали.

ЎзТВ II

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Совға».
17.50 «Салом, ёшлар!».
18.20 «Олам». Маърифий кинодастур.
19.15 «Оҳанглар оғушида». Дам олиш кинодастур.
19.25 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Ёшлар.
19.50 «Имкон чуққилари». Гиннеснинг рекордлар оламида.
20.15 «Оҳанглар оғушида». Дам олиш кинодастур.
20.30 «Ўзбекистон янгилıklarлари» (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртақлари.
20.55 Ёшлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Ёшлар.
21.25 «Юлдузли онлар». Дам олиш дастур.
22.25 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастур.

ЎзТВ III

9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Табият дунёси».
10.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ёшлар.
11.40 «Кинонигоҳ».
13.20 «Теле-ателье-шоу».
13.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ёшлар.
14.10 «Видеогид».
14.30 — 18.30 «СПОРТ КИТЪАСИ».

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништирди:
18.30 Болалар учун «Табассум».
19.10 «Менинг кучам».
19.25 «Янги иқтисод».
19.55 «Фазага йўл».
20.20 «Рок-сеанс».
20.50 — 22.20 «Кинематограф».

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ 18.20—21.40

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ 21.40—23.20

23.20—00.10 «Замира Давлетмуродова». Видефильм.
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Бизнен-мирас» (татар тилида).
10.40 «Олтин олма, дуо ол...»

11.10 «Қнопка». Болалар учун фильм.
11.40 — 12.10 «Суня». Фуқароларни иқтисодий ҳимоялаш масалалари.
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.20 «Рагнинкамон» (тожик тилида).
21.05 «Бу ажиб дунё».
21.25 «Би-Би-Си» янгилıklar.
21.35 «Дустларимиз сайёраси».
22.15 «Интерпартер».
23.00 — 23.10 «Си-Эн-Эн» янгилıklar.

ЯҚШАНБА, 12

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш кўрсатуви.
9.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Санъат маскани». М. Уйғур номидаги Тошкент Давлат Санъат институтининг 50 йиллигига.
11.40 «Қуноқ стартлар» — Спортландия меҳмони. Ўзбекистон Белоруссия.
12.40 «Сурнай навалари». Суннатилла Қорабоев.
13.10 — 15.10 «Болалигим — пошшологим». Видеоканал.

ЎзТВ II

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 Мультфильм.
17.50 «Томоша» ахбороти.
18.05 Спорт хабарномаси.
18.15 «Эртақлар — яхшиликка етказар».
19.05 «Ойнал жаҳонда...».
19.25 Ёшлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.50 Ёшлар.
19.55 «Яқшанба оқшомида». Мусикий дастур.
20.55 Ёшлар.
21.00 «Хафтаномаси».
21.20 Ёшлар.
21.25 «Ўчрашу». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Олимжон Салимов.
22.25 «Икки дил достони». Бадий фильм.
24.00 Ёшлар.
00.05 — 00.25 «Хафтаномаси».

ЎзТВ III

«ОМАД» таништирди:
10.00 Видео янгилıklar.
10.15 «Теле-ателье-шоу».
10.30 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.20 «Оламини яратилиши».
11.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ёшлар.
12.35 — 14.15 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ II

17.00 «Мультконцерт».
17.15 «Ҳахон географияси».
18.05 Ёшлар.
18.10 Видео — «О».
19.50 Ёшлар.
19.55 «Қурьер».
20.15 «...яна об-ҳаво ҳақида».
20.25 «Постфактум».
20.35 Ёшлар.
20.40 Видео — «О».
22.20 Ёшлар.
22.25 «Кулига нима етсин! Ҳажвий кўрсатув».
22.50 «Компьютер — Осиё».
23.20 — 23.30 «Даракчи».

ЎзТВ III

17.50 Дастуринг очилиши. Ёшлар.
17.55 «Табиятга меҳр». Телефильм.
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ 18.20—22.55

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ 22.55—23.20

ЎзТВ
23.20 «Қирғовуллар». Телефильм.
23.30—23.50 «Панорама» (рус тилида).
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!» Мультфильм.
10.30 «Менинг кучам».
10.45 «Дарвоқе...»
11.05 Телефильм.
11.25 «Эртақларнинг сеҳрли олами».
13.05 «Булоқлар кўз оғанда».
13.25 — 13.35 «Ўзбекистон янгилıklar» (инглиз тилида).

ЎзТВ II

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Ёшлик оқшоми».
20.15 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.35 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.35 «Тақлифлар ва ташрифлар».
22.05 «Би-Би-Си» янгилıklar.
22.15 «Ҳамкорлик — тараққиёт нишониси».
23.00 «Си-Эн-Эн» янгилıklar.
23.10 — 23.30 «Бу ажиб дунё» теледастуридан олинди.